



НЬЮ-ЙОРК УЧРАШУВЛАРИ

лар вакиллари билан учрашди. Чехия Республикаси Президенти Вацлав Гавел ҳамда Украина Президенти Леонид Кучма билан БМТ қароргоҳида бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар чоғида давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикрлашиб олindi.

Ислон Каримов шу кунни ўзи учун ажратилган қароргоҳда Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси раиси Ким У Жунни қабул қилди. Қабул чоғида Асакада мазкур корпорация билан ҳамкорликда курилатган автомобил заводи-ни тезроқ ишга тушириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Президент, шунингдек «Чейз манхеттен банк» ҳамда «Америкен интернейшнл групп» кенгашига ташриф буюриб, уларнинг раҳбарлари билан учрашди. Американинг етакчи банкларидан бири ходимлари ҳамда номи зикр этилган кенгаш аъзоларига Ўзбекистон ва унинг бугунги ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар, айниқса, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қиладиган сиёсий барқарорлик тўғрисида гапириб берди. Манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ўзаро мулоқот ва ахборот алмашувини кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Айни пайтда Америка фирм ва молиявий муассасалари вакилларининг Марказий Осиё бозорига кириб бориши суи кечаётганининг сабаби ахборот тақчиллигида эканини таъкидлади.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият министри билан «Чейз манхеттен банк» ўртасида битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва «Америкен интернейшнл групп» ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисида меморандум имзоланди.

Фахриддин НИЗОМ.
(ЎзА).

ТОШКЕНТДА БМТнинг 50 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛАРИ

Инсониятнинг эзгу ниятлари махсули сифатида юзга келган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги жаҳондаги барча мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланмоқда. 24 октябрь кунини пайтахтимиздаги Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуи майдонида жаҳон ҳам-жамиятининг ярим асрлик тўйи муносабати билан байрам тантанаси бўлиб ўтди ва ушбу қутлуғ санага бағишланган Ўзбекистон ҳунармандларининг биринчи республика ярмаркаси очилди.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик байрам тантанасини очар экан, жаҳон ҳам-жамия-тининг мазкур нуфузли минбарининг тарихи ва ярим асрлик фаолияти ҳақида сўзлаб, бугунги кун-даги жаҳонга юз тугди ва бугун нафақат минтақавий муаммолар, балки, жаҳон миқёсидаги долзарб масалаларни ҳал этиш йўллари-ни қидиришда ҳам фаол ишти-рок этмоқда, деди у.

— БМТнинг 50 йиллик юбилейини Ўзбекистон хал-қи катта қувонч билан ку-тиб олмоқда, — деди танта-нада сўзга чиққан респу-блика Бош вазири А. Мута-лов. — Мамлакатимиз БМТ аъзолигига қабул қилинган, жаҳон ҳам-жамиятидан мустахкам ва муносиб ўрин ол-ди ҳамда ўзининг тинчлик-севар сиёсати, бой маданий мероси билан баъзи тар-қилишга ҳисса қўйиш йў-лидан бормоқда.

Республика Бош вазири БМТнинг тараққиёт дасту-ри, ЮНЕСКО, ЮНИДО, ЮНЕСКО, ЮНДКП каби ташкилотлари билан ҳам-корлик мамлакатимизда чу-қур иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар бўлаётган пайт-да яхши самаралар бераёт-ганини айтди.

Дарҳақиқат, биргина ЮНЕСКО билан ҳамкор-ликда амалга оширилган иш-лар кўлами бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, ЮНЕСКО ўзбек халқининг қадим ва бой маданияти, улугъ алломалари ҳамда улар қолдирган бебаҳо илмий ва маданий меросни ўрганиш, дунёга таништириш борасида улкан ишларни амалга оширмоқда. ЮНЕСКО ташаббуси билан Самарқанда Марказий Осиё таъқиқот-лари халқаро институти очилди. ЮНЕСКО ўзбек миллий-маданий анъаналари ва халқ ҳунармандчи-лигининг тикланишида ҳам мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбе-кистон ҳунармандларининг биринчи ярмаркаси БМТ юбилейига бағишланган бежиз эмас. Тантана ишти-рокчилари миллий ансамбл-ларнинг концерт дастурла-рини томоша қилдилар, рес-публикамизнинг барча ви-лоятларидан келган халқ ҳу-нармандчилиги вакиллари-нинг бетақор санъати на-муналари билан танишди-лар.

Байрам тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат мас-лаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазири ўринбосарлари Д. Фу-ломова, Р. Юнусов ва К. Ра-ҳимов иштирок этди.

Маросимда хоризий дав-латларнинг мамлакатимиз-даги элчихоналари ва хал-қаро ташкилотлар ваколат-хоналари раҳбарлари қат-нашдилар.

(ЎзА).

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ЯРМАРКАСИ



24 октябрь кунини Тошкентдаги Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуи майдонида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги юбилейига бағишланган Ўзбекистон ҳунармандларининг биринчи республика ярмаркаси тантанали равишда очилди. Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорли-гида ўтказилмоқда.

Ярмарка ҳунармандлар фаолиятини халқ оғзига ижодийлик акс эттирувчи театрлаштирилган томошалар билан бошланди.

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри усталари ҳамда ҳунармандларининг иш намуналари намойиш этилмоқда. Бу ерда республикаимиздаги ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ва бетақор ҳунармандчили-ги маҳсулотлари миллий-мизининг ўтмиши ҳамда бугу-нини, унинг урф-одатла-ри, анъаналарини ўзда ке-нг акс эттиргани билан диқ-қатга сазовор. Зеро, миллий ҳунармандчиликнинг тикла-ниши жамиятимиздаги маданий янгилашни жарё-ни билан уйғуллашиб бормо-қда. Ярмарка давомида энг истеълоли халқ уста-лари аниқлиқиб, уларга ЮНЕСКОнинг махсус му-кофотлари топширилади.

Ўзбекистон ҳунармандла-ри ярмаркасининг очилиш маросимида республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат мас-лаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазири ўринбосарлари Д. Фу-ломова, Р. Юнусов ва К. Ра-ҳимов қатнашди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: ярмарка-дан лавозилар.
А. РИСКИБЕВ тасвирга олган

ЛАТВИЯ БИЗНЕСИ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

24 октябрь кунини пайтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Латвия бизнеси кунлари» кўргазмаси очилди.

Латвиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бораётгани бежиз эмас. Шу йилнинг июнида Президентимиз Ислон Каримов Латвияга ташрифи чоғида қўллаб-қувватловчи, йирик корхоналар вакиллари билан учрашиб, хоризий ишбилармонлар учун мамлакатимизда яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида сўзлаган, уларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка даъват этган эди. Мана шундай саъй-ҳаракатлар ўларок, икки мамлакат ишбилармонларининг ҳамкорлиги сезиларли даражада ривожланиш палласига кирди.

«Латвия бизнеси кунлари» Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзэкспомарказ» Латвия ривожланиш вте-нлиги ва мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида таш-кил этилди.

Унда Латвиянинг автомобилсозлик, янги сонлиқ, радиотех-ника, туқимачилик, мебелсозлик билан шуғулланадиган қирқ-дин зибд йирик корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш эт-моқда. Латвиянинг банк, суурта, савдо, транспорт компания-лари эса ўзбекистонлик ишбилармонларга ўзларининг юқори сифатли хизматларини тақдир этиш истигида.

Кўргазмани ўтказишдан кўзланган мақсад икки мамлакат ишбилармонларининг тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишига қўм-қўлашнинг иборатидир.

Кўргазма 26 октябрга қадар давом этади.

(ЎзА).

ТУМАН ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА НОЛОЙИҚ ДЕБ ТОПИЛАДИ

«Халқ сўзи»нинг шу йил 1 август сониди бўйсига «Нега сун?» сарлавҳали мақола-сида Қорақалпоғистонда, айниқса, унинг Шу-манай туманида ислотларни жадаллаш-тириш, қишлоқда кичик ва ўрта бизнеси ривожлантириш оқсётганлиги таъкид қи-линиди. Қўтаришган масалалар, кўрсатиб-ўтилган камчиликлар бўйича қўрилган чара-тадбирлар ҳақида Республика Жўқорги Ке-нгесидан жавоб келди:

Мақола Қорақалпоғис-тон Республикаси Жўқор-ги Кенгес томонидан ўр-ганилиб чиқилиб, ҳақи-қатдан ҳам Шуманай ту-манида иқтисодий исло-ҳотлар ниҳоятда суст олиб-борилиётганлиги, амалий-ишлар расмийчилик бил-лан ҳужжурсинга ўткази-лаётганлиги, бошқа хато-ва камчиликларга йўл-қўйилганлиги аниқ-лади. Текширув натижа-си Жўқорги Кенгес-комитетларининг қўшма-мажлисида ва сунг Жў-қорги Кенгес раиси ҳузу-ридаги Кенгаш мажлиси-да қўриб чиқилди.

Туман ҳоқими Хайит-бой Сапариев эгаллаб-турган лавозимига но-лойиқ, деб топилди.

Бу масала юзасидан қа-бул қилинган қарорда Республика Вазирлар Ке-нгешига бир ой муддат-ичида туман ҳоқими ўринбосарларининг йўл-қўйилган нуқсонлар учун-жавобгарликларини қу-риб қиқиб, камчиликлар-ни бартараф этиш бўйича-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларнинг тегишли бошқа-рув органлари томонидан-бажарилишини ташкил-қилиш вазифаси юқла-тилди.

Айни пайтда туман ҳо-қимлиги раҳбариятини тажрибали кадрлар билан-мустахкамлаш бўйича те-гишли чора-тадбирлар қу-рилмоқда.

Р. ИСЛОДЖЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорги Кенгес раисининг
ўринбосари.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

24 октябрь кунини республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда ва-зирликлар, давлат қўмиталари, илоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, бирлашмалар раҳбарлари, Қорақалпоғис-тон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раи-си, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқим-лари иштирок этди. Мажлисини респу-блика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Йиғилишда иқтисодий ислотларни амалга оширишнинг тўққиз ойлик яку-ларини баҳолаш ва жорий йил охиригача-ислотларни янада чуқурлаштириш бо-расидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, халқ истеъмоли товарлари иш-лаб чиқаришнинг аҳоли, мазкур товар-ларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг-иқтисодий ва молиявий аҳолини янада-яқшиллаш чора-тадбирлари ҳамда Комму-нал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энерге-тика вазирлиги, бошқа вазирликлар ва-илораларнинг, Қорақалпоғистон Респу-бликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳоқимликларининг қиш-мавсумига тайёртарлиқни тугаллашига доир ишлари тўғрисидаги масалалар му-ҳокама этилди.

Бош вазири ўринбосарлари — «Ўзис-тиқболстат» Давлат қўмитаси раиси У. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, шунингдек Марказий банк бошқаруви раи-си Ф. Муллажоновнинг мажлис кун тар-тибига киритилган масалалар юзасидан-маърузалари тингланди. Айрим вилоят-лар ҳоқимларининг, тегишли вазирлик, корпорация, концерн ва уюшмалар ра-ҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раиси Э. Ҳалилов, Бош вазирининг биринчи ўрин-босари И. Жўрабеков, Президентнинг-Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош ва-зири ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВЛАР

24 октябрь кунини Олий Мажлис Раи-си Э. Ҳалилов Ҳиндистон Республи-касининг Ўзбекистондаги Фавқулло-да ва Мухтор элчиси М. К. Бхадраку-марни унинг илтимосига биноан қа-бул қилди.

Илиқ дўстона вазиятда ўтган су-ҳбат чоғида Ўзбекистон билан Ҳин-дистон ўртасидаги парламент алоқа-ларини янада мустахкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Шу кунини Э. Ҳалилов Покистон Ис-лом Республикасининг Ўзбекистонда-ги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Шафқат Али Шайхон Олий Мажлис Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон-парламент делегациясининг Покис-тонга бўлажак ташрифи муносабати билан қабул қилди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Олий Мажлис депутати, республика Олий Маж-лиси Раисининг ўринбосари Б. Шолдасев Термиз шаҳридаги 141-Темирйўл оқути сайловчилари билан учрашди. У учра-шув қатнашчиларига ўзининг депутатлик фаолияти, Олий Мажлис сессияларида қабул қилинган қонун ва қарорларни-аҳамитини, Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг-фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

(ЎзА).

«Оқ олтин» — 95

ЯЛПИ ХИРМОН 65 МИНГ ТОННАГА ЕТАДИ

Кейинги йиллар Касби тумани қишлоқ ҳўжалик ходимлари учун-муваффақиятли келмоқда. 3-4 йилдан буён барча соҳадаги режа-лар ошириб ўддаланипти. Туманда яна бир марра кўлга киритил-ди. Чуқуварлар пахта топириш режасини бақардилар. Мамла-кат хирмонига тектиридан 28 центнердан халми 57100 тонна ичи-матбаҳо хомаша арғумон этилди. Бу муваффақиятга «Ғалаба», Али-шер Навоий номи, «Қашқадарё», «Талиш» сингари ҳўжаликлар-муносиб ҳисса қўшилди.

— Воҳа учун пахтачиликда оғир келган бу йилда пахтакорлари-миз фидокорона меҳнат қилиб мўл ҳосил қилдилар, — дейди-туман ҳоқими Намоз Сариков, — далавларимизда халми ҳосил мўл. Биз ялпи хирмон салмоқини 65 минг тоннага етказиш учун ҳаракат-қилаёмиз. Бунинг учун аниқ имкониятлар мавжуд.

Х. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1995 йил 24 октя-брда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хоризий-валютада операцияларни амалга ошириш ҳўқуқига эга бўлган бан-калари иштирок этди.

Сотув ҳажми 19,13 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 34,40 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 25 октяб-рдан бошлаб ҳисоб ва боқона гуловлари учун хоризий валюта-ларнинг сўмга нисбатан қийдаги қийматини белгиледи. *)

1 Австралия доллари	25,88	10 Португалия	2,34
1 Австрия шиллинги <th>3,88</th> <td>1 Сингапур доллари<th>88,99</th></td>	3,88	1 Сингапур доллари <th>88,99</th>	88,99
1 Англия фунти <th>12,00</th> <td>1000 Туркия лираси<th>0,06</th></td>	12,00	1000 Туркия лираси <th>0,06</th>	0,06
10 Бельгия франки <th>12,00</th> <td>1 Финляндия маркаси<th>6,19</th></td>	12,00	1 Финляндия маркаси <th>6,19</th>	6,19
1 Голландия гульдени <th>21,10</th> <td>1 Франция франки<th>7,92</th></td>	21,10	1 Франция франки <th>7,92</th>	7,92
10 Греция драхми <th>1,48</th> <td>1 Швейцария франки<th>5,13</th></td>	1,48	1 Швейцария франки <th>5,13</th>	5,13
1 Дания крони <th>8,37</th> <td>1 Швейцария франки<th>88,99</th></td>	8,37	1 Швейцария франки <th>88,99</th>	88,99
1 АҚШ доллари <th>34,40</th> <td>1 Эстония кронаси<th>48,19</th></td>	34,40	1 Эстония кронаси <th>48,19</th>	48,19
1 Миср фунти <th>10,12</th> <td>10 Япония йенаси<th>3,49</th></td>	10,12	10 Япония йенаси <th>3,49</th>	3,49
1 Ирландия фунти <th>88,62</th> <td>1000 Россия рубли<th>7,88</th></td>	88,62	1000 Россия рубли <th>7,88</th>	7,88
1 Исландия кронаси <th>0,54</th> <td>1 Эстония кронаси<th>0,06</th></td>	0,54	1 Эстония кронаси <th>0,06</th>	0,06
10 Испания песета <th>2,84</th> <td>1000 Украина<th>0,20</th></td>	2,84	1000 Украина <th>0,20</th>	0,20
100 Италия лираси <th>2,13</th> <td>1 Карбовацки динар<th>64,88</th></td>	2,13	1 Карбовацки динар <th>64,88</th>	64,88
1 Канада доллари <th>28,07</th> <td>1 Литвия лити<th>64,88</th></td>	28,07	1 Литвия лити <th>64,88</th>	64,88
1 Кувайт динари <th>119,01</th> <td>1 Латвия лити<th>6,00</th></td>	119,01	1 Латвия лити <th>6,00</th>	6,00
100 Ливан фунти <th>2,14</th> <td>1 Казокистон тенгеси<th>8,88</th></td>	2,14	1 Казокистон тенгеси <th>8,88</th>	8,88
1 Германия маркаси <th>24,76</th> <td>1 Молдова лейи<th>7,88</th></td>	24,76	1 Молдова лейи <th>7,88</th>	7,88
1 Норвегия кронаси <th>8,88</th> <td>1000 Болгария рубли<th>2,88</th></td>	8,88	1000 Болгария рубли <th>2,88</th>	2,88

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Респу-бликаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда со-тиш ҳи сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Валюталик банклар эркин муомаладаги нақд валютани айир-бошлаш шўқобалади орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид-қилиш қийматини талаб ва тақлифиди келиб чиққан ҳолда мува-қил равишда белгилейдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда-воситачилик ҳақи оллинамиди.

• Бугун — Қозоғистон Республикасининг мустақиллиги кўни

Нажмеден ИСКАЛИЕВ: «СИЗНИНГ ЮТУҒИНГИЗ БИЗНИНГ ҲАМ ЮТУҒИМИЗДИР»

Шу кунларда қозоқ халқи ўз давлат мустақиллигининг тўрт йиллик тантаналарини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган улкан ютуқлари билан қутиб олмақда. Шу муносабат билан мухбиримиз Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси НАЖМЕДЕН ИСКАЛИЕВ билан суҳбатда бўлди.



— Аввало шуни айтиш керакки, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тўрт йил мобайнида мамлакатимизда ўзига хос ва ўзига мос давлатчилик тизими томир ёйиб, демократик таъминлар мустақам қарор топди, — дейди элчи. — Республикада барча со-

да янги қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бепосн юртимизда яшаётган ҳар бир киши со- биқ совет тузуми мафкура- сидан батамом ҳолос бўлиб, ён афроға ўзгача нигоҳ бил- лан қарамоқда. Асрлар да- вомида қарам бўлиб яшаган халқимизда эркин ва муста- қил миллатга ҳос гуруҳ ва онг шаклланимиз. Ўнг му- ҳими бизда Ўзбекистондаги каби сиёсий барқарорлик сақлаб қолинди. Маълумки, Қозоғистон фойдали қазил- маларининг катта захира- лари ва улкан қишлоқ ҳўжа- ли эканлигидан эга. Би- роқ бу омиллар мамлакат- нинг юксалишига, қаролат бўлолмайди. Ўйлаб кўринг, Япония шундай бойликлар- га эгами? Йўқ. Ижтимоий

иқтисодиётнинг самара- ли стратегиясини тўғри та- най олиш кераклигини кўр- сатиб турибди. Шу боис ҳам ҳозирда мамлакатимиз ҳўку- мати юртимиздаги мавжуд бойликлардан оқилона фойдаланиш учун чет эл ин- вестиясини кенг жалб этиш ва ундан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда. Бутунги кунда Туркия, Германия,



АҚШ, Корея, Япония каби кўп-қўл йирик мамлакатлар- даги сармоядорлар мамлака- тимиз иқтисодиётига ўз сар- мояларини киритмоқдалар. Шунингдек, мамлакатимиз- да электр энергияси, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқ- ариш ва газ саноати ҳам ри- ноқ топтомоқда.

Қозоғистон суверен дав- лат сифатида БМТ, ЕХХТ сингари халқаро ташкилот ва уюшмаларнинг тенг ҳў- қуқли аъзоси бўлди. Айни вақтда 180 га яқин мамла- кат билан дипломатик му- носабатлар ўрнатилди.

Мамлакатимизнинг таш- қи иқтисодий алоқалари ҳам кун сайин юксалиб бормоқ- да. Четга асосан металл, мис, хром, вольфрам, кўмир ва нефть маҳсулотлари экспор- т қилинмоқда. Хориждан

эса замонавий технология, асбоб-ускуналар ва транс- порт воситалари келтириляй- тир.

— Жаноб элчи, мамла- катларимиз ўртасидаги иқти- содий ҳамкорлик истиқбол- лари ҳақида нималар дея оласиз?

— Мозийдан маълумки, буюқ Турон замини ҳеч қа- чон ўз фарзандларини мил- латлар ёки қабилаларга аж-

ратган эмас. Бу юртда ҳам- ма халқлар ягона туркий ои- лада ҳаёт кечирганлар. Ти- лимиз, дилимиз, динимиз бир бўлганлиги боис қозоқ ва ўзбек эллари барча соҳа- ларда бир-бирини ютуқ ва муваффақиятларини олқиш- лаб келишган. Зеро, ўзбек- нинг ютуғи бир жиҳатдан қозоқнинг ҳам ютуғи, қозоқнинг ютуғи ўзбекнинг ҳам ютуғидир. Халқларимиз ўртасидаги бу азалий дўст- лик алоқалари мустақилли- гимиз шарофати боис ян- гича тус олди. Ўзбек халқи- нинг ҳам, қозоқ халқининг ҳам мақсадлари юксак ва айни вақтда муштаракдир. Шунинг учун ҳам биз бир- биримизни яхши тушуна- миз. Бунга ҳар икки мамла- кат Президентлари ўртаси- даги муносабатлар ҳам да-

лил бўла олади. Хабарингиз бор, шу йилнинг ўзида ик- ки мамлакат Президентла- ри бир неча бор учрашди. Ўшбу ташрифлар чоғида иқ- тисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни ривожланти- ришнинг истиқболлари му- ҳокама қилинди. Натижада икки томон учун ҳам фойда- ли ҳужжатлар юзга келди.

Шуниси қувончлики, ўт- ган йили икки мамлакат ўр- тасидаги ўзаро товар айри- бошлаш ҳажми 415 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. 1995 йилда ўшбу кўр- саткич 20 фоизга ўсиши кўз- да тутилмоқда. Ҳозирда бир нечта қўшма қорхона ва фирмалар фаолият кўрсат- моқда. Лекин биз бунга ҳам- корлик алоқаларининг бош- ланиш даври деб биламиз. Негаки, ҳали яна бир қатор истиқболли йўналишлар мавжуд. Аминманки, ўшбу имкониятлар ҳам амалга оши- би, ўзаро иқтисодий ало- қаларимиз янада чуқурла- шади.

— Нажмеден Ихсанович,

ғояси ўртага ташланган эди. Бу ғоя Марказий Осиё мам- лақатлари томонидан иқд- лик билан қўллаб-қувватлан- ди. Сиз ўшбу ҳаракатни қан- дай баҳолайсиз?

— Бу ғоя ўша вақтнинг ўзидаёқ минтақамиз халқла- рида катта қизиқиш уйғот- ган эди. Зеро, ўтмишда ора- мизда ҳеч қандай чегара бўлган эмас, ота-боболари- миз ўз заминларини ёғийлардан ёнма-ён туриб ҳимоя қилганлар.

Ҳозир эса ҳар бир муста- қил давлат ўз тараққиёт йў- лини танлаб олган бир ва- қтда дўстининг, қардошининг ўрни билана бошлади. Нега- ки, ҳамжиҳатликсиз юксак тараққиётга эришиб бўл- майди. Бу жиҳатдан эса Ўз- бекистон Президенти И. Каримов олдинга сурган «Туркистон умумий уйимиз» ғояси муҳим аҳамиятга эга- дир. Шу боис ҳам мен ўшбу ғояни юксак баҳолайман.

«Ҳамжиҳатлик — давлат», дейди халқимиз. Шундай экан биз бир-биримиздан айри турмасдан, янада яқинлашишимиз, жипсла- шишимиз керак. Бу тари- хий заруратдир.

«Халқ сўзи» мухбири, Фуқат САНАЕВ суҳбатлашди.



маълумиятларимиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли- сининг II сессиясида Прези- дент И. Каримов томонидан «Туркистон умумий уйимиз»

СУРАТЛАРДА: Қозо- гистон Республикасидан кўринишлар.



БИР ОТА-ОНАНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Аввал хабар қилиганидек, тахририятимизда Марказий Осиё минтақасидаги республикалардан «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини қўлаб-қувватлаб келаётган хат-хабарларнинг кети- ми ҳамон ўзгича. Бугун уларнинг яна бир қисmini муштарак ҳужмага ҳавола этишни лозим топдик.

ҚАРДОШЛАР ОМОН БЎЛСИН

Еттинчи синфни битказгунга қадар оиламиз билан Шовотда яшадик. Кейин тақдир тақозоси билан Туркменистоннинг Тахта туманига кўчиб ўтдик. Шу боис Ўзбекистондаги ҳар бир ўзгариш, янгиликни эътибордан қолдирмай кузатиб бораман. Ўзбекистонда ортқича шов- шув, баланпарвоз гапларсиз улуг ишлар қилинапти.

Сентябр ойида «ойнаи жаҳон» орқали асосан, Тошкентни кўрдик. Чунки мустақиллик байрамига теннис бўйича «Президент кубоги» ҳамда биринчи Марказий Осиё уйинлари қўшилиб кетди. Бу ота юртимиз — буюқ Туркистоннинг узоқ йиллик тарихидаги биринчи олимпиада ҳисобланади. Ўзбекистонда бўлаётган ҳар бир ўзгаришлар ҳамда тарихий воқеалардан биз ҳам қўвонамиз. Туркманча қилиб айтганда: «Ўзбекистон халқини туис юракдан бағит, ишида устунлик, жонсоғлиқ, орзу эдирлик».

Мирол АШИРОВ, Тахта тумани статистика бошқармаси ҳисобчиси.

ШИОРИМИЗГА АЙЛАНМОҒИ ДОЗИМ

Жаҳонда бизнинг минтақамиздаги халқлардай бағри кенг, ҳимматли, байналмилал халқ бўлмас керак. Октябр тўнтарышидан олдинги даврни оласизми, иккинчи жаҳон уруши даврини кўз олдингизга келтирасизми, бунга истаганча мисол топишингиз мумкин.

Миллатчилик бизга ҳос ҳусусият эмас. Агар ўтмиш тарихни хотирлангизга тиклагудек бўлсангиз, унинг бир- бирини бундай ҳолатни учратмайсиз.

Мободо ана шу масалала сиз билан бизнинг қарашла- римизда озгина бўлса-да, бошқачароқ таассавур пайдо бўлган бўлса, у ҳам яқин ўтмиш — мустамлакачилик сиёсатининг маҳсулидир.

Минг қатла шукрки, мустақиллик туғйили биз яна ўзлигимизга қайтаяпмиз. Бир пайтлар, ҳатто ман қилин- ган қадимий анъана, урф-одат ва меросларимиз тиклан- моқда. Хоҳлаган киши ўзи эътиқод қилган динига иймон келтирши, унинг амалларини адо этиши мумкин. Бу биргина Тожикистон ёки Ўзбекистонга эмас, балки ана шу минтақадаги бешта республикага ҳам бирдек таал- луқдир. Зеро, бизнинг муштарак жиҳатларимиз, мақ- сад, амолларимиз сероб, ниятларимиз бир. Бизни бир- биримиздан йироқлаштирувчи кучлар ҳозир ҳам хоҳла- ганча топилади. Лекин биз ташқи таъсирларга кўп ҳам учмай қўлни қўлга маҳкамроқ бериб, ҳаракат қилиш- миз лозим. Бизни бундай хавфдан фақат «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси қамрабди. «Куч-гина кутқара олади, ҳолос. Модомики шундай экан, у бизнинг абдий шиоримиз, ҳаракат дастуримизга айланоми лозим.

Аҳмаджон ДОМЛАЖОНОВ, Хўжава Давлат университетининг доценти.

ЎТАЁТГАН КУНИНГ ҲАР БИР ДАҚИҚАСИ ОЛТИНГА ТЕНГДИР

Туркистон, турон сўзини айтишдан бизлар ва бизнинг ота-боболаримиз узоқ вақт чўчиб юришди. Бу сўзни айтиш ёки ёзиш негадир Ватанга хонилик, душманлик қилиш билан баробар саналарди. Ростки, мен узоқ вақт унинг сирини билмай юрдим. Қўшмизга озодлик, муста- қиллик шабадаси теккандан, ўтмишимизга одилана баҳо берилганидан, ўзлигимизни англай бошлаганимиздан кейин унинг биз учун нақадар азиз ва муътабар экани- гини ҳис қилдим.

Биз яшаётган минтақани сунъий равишда Ўрта Осиё ва Қозоғистон, деб аталлишда ҳам аллақандай мақсад ва маъно бор эди. Зеро, ана шу минтақада яшайётган миллат ва давлатларни парчалаш, бир-бирини йироқлаштириш, мустамлакачилик сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлган.

Яқин ўтмишимиз ўзини зиёлимиз, маърифатлиман, деган ҳар бир кишига катта сабоқ берибди. Уни ҳар бир туркистонлик ўқиб, ўқини керак. «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини яқин ўтмишимиз, ота-боболари- мизни ҳаёт йўли, ҳаёт ва қимчиликларимиздан чиқрил- ган буюқ ҳулоса, ўзлигимизни англаш, аждодларимиз шон-шухратини тиклаш сари қўйилган улкан қадам си- фатида баҳоламоқ керак.

Бутунги ҳар бир кунимиз эртга тарих саҳифаларига муҳрланажик. Айни пайтда ҳар бир мустақил республика тарихий ҳақиқатларни бошидан кечирмоқда. Сиз билан биз нафас олаётган ҳозирги кунининг ҳар бир дақиқаси ол- тинга тенгдир.

Тўғри, ҳозирги давр бир оз қийин ва мураккаб, лекин шарафли ҳамда истиқболлидир. Мудомки, шундай экан, унинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланимиз, шижоат ва фидоилик кўрсатмоқ керак.

Авлиёхон ШУКУРДУЛАЕВ, Қирғизистон Республикаси, Лайлак тумани.

Фанимиз заҳматкашлари

БАХТ — ДЎСТЛАР ЭҲТИРОМИ

Камтарлик ва меҳнатсеварлик инсонни улуглайди. Қасбдошлари, шогирдлари ва дўстлари Кўргон Бўро- нини билимдон ақлоқлиги билан бирга, камтарин инсонлиги учун ҳам яхши ҳурмат қилишди. Одам қанча билимга бўлса шунча камтарин бўла боради, деганлари ҳақ гап.



Мен Кўргон Бўроновични болалигимдан яхши биламан. Унинг кўвонч шодлиқларига, заҳмату ташвишларига бирдек шерик бўлиб келаман. Биз у билан Чимкентда ту- гулиб воғва етдик. К. Бўронов болалигидан ўта эҳтиш, ти- рилишқ эди. Менинг отам қор- шовул, уники эса доҳончилик қиларди. 30-йиллардаги очар- қилик, юпунлиқка қарамай у кун- т билан ўқига интиларди.

1942 йили урта мактабни битириши биланқо 17 ёшли Кўргонга раҳбарият ишонч бил- дириб тарих фанидан дарс со- ватлари ажратиб берган эди. Олти ой муваммалик қилди ва уни ҳам ҳарбийга қақришди. Мени эса ёшим кичик бўлган- лиги учун хизматга олишмади. У Тошкентдаги тўққиз ойлик пилдарлар билим юртида турт ой ўқиди-ю, фронтга жўнаб кет- ди.

Урушдан ногирон бўлиб қайтганидан сўнг у билан уч- рашдик. Маълум бўлишича Шарқий Европа давлатларини фашизм исканжасидан озод қилишдаги жангларда қатна- шибди. 1945 йил апрель ойи- да иккинчи даража оидар яла- да иккинчи даража оидар яла- да иккинчи даража оидар яла- да иккинчи даража оидар яла-

миздаги очарчиликлар, уруш- нинг оловли жангхоҳлари К. Бўро- новнинг иродасини қарлаган экан. Қаттиқли, қаноатли бу инсон 1953 йилдан Тошкент- даги партия мактабида ўқувчи- лик қила бошлади ва 40 йил шу даргоҳда фаолият кўрсатиб нафақага чиқди. Шу йиллар да- вомида «Миллий муносабатлар- нинг ривожланиши» мавзусида номзодлик, «Миллий маданият- ларнинг ривожланиши» мавзу- сида эса докторлик илмий иш- ларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бевосита унинг раҳбарли- гига ўч киши фан доктори, 16 киши фан номзоди бўлди. Бешларга беминнат масалалар- ни унинг ҳўрматга ҳурмат қу- шди, жамолада обрўсини оширди. Фалсафа фанидаги доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Кўргон Бўронович мустақиллиқни олим- лик эҳтиш, фуқаролик қалиб билан қарши олди. Истиқлолга эришган кўнларимизда урғаш- нингда олимнинг кўзлари ўзгача порлаб турарди. Чунки унинг «Қизил империянинг ўзига ҳос никибони адолатсизликларини» таътиб- қўрганининг гўвоҳиман. Масалан, докторлик илмий иш- ини яхши ҳимоя қилган бўлса-да, Москвадаги Мустақиллар рота- си бир ярим йил уни ошора қи- либ, илмий ишини қайта-қайта тақриз қилиришганди.

— Мустақиллик — мамлакат- нинг, элнинг қўвиши, — дейди олим. — Бу қўвишсиз ҳеч бир юрт, ҳеч бир халқ гуллаб яшна- майди. Истиқбол ҳаммамизни- нг таърих қўвишидир.

Шу кўнларда 70 ёшини қар- шилаётган К. Бўронов нафақа- да бўлишга қарамай дўстли- ри, шогирдлари, даврасига тез- тез ташриф буюриб туради. Қимга қандай маслаҳат керик бўлса, ардамининг аямийди. Мир- зо Улугбек туманидаги турли гадбирларда иштирок этади. Ҳаётнинг аччиқ-чўчқини тоғдан бир фуқаро сифатида ёш за- лода йул-йўриқлар бериб ту- ради.

Шукрки, у каби кўп-қўл би- родарларимизга оловли жангхо- лардан, заҳматли ишлар ва йуллардан эсон-омон ўтиб озод кўнларини кўриш насиб эди. Ёш авлодга Кўргон Бўронович ҳам бундай инсонлар ҳаёти, улар- нинг кенга заҳматлари ибрат мактабидир.

Ином ИҶЛИЕВ, Республика прокуратураси уруш ва меҳнат фақрилари кенгаши раиси.

Шайхонтохур пойтах- тимизнинг ҳар жиҳатдан энг йирик туманларидан бири. Кейинги йилларда бу ерда кўзга кўринарли, таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилди ва оши- рилмоқда. Бироқ ютуқлар соқибда айрим соҳалар на- зардан четда қолиб кет- маслиги керак-да.

Оқтепа майдони Тошкентнинг энг гажум ҳўд- ларидан ҳисобланади. Унинг атрофидаги кўча ва маҳаллалардан, айниқса, Са- мад Вургун, Увайсий, Ога- ҳий, С. Есенин номи, Байналмилал кўчалари, 2-Нонза маҳалласидаги майдончалардан чиқиндилар ўз вақтида тўлиқ ташиб ке- тилмапти.

— Биз ахлатларнинг кун- лигини кунда «саранжом- лани»ни ташкиллаштириш учун туман ҳўқимлигига бир неча бор мурожаат қилдик. Аммо улар ҳар сафар қуруқ ваъдалар нарига ўтинол- мапти. — дейди 2-Нонза маҳалла кўмитаси раиси ва- зифасини бажарувчи Абду- раззоқ Мақмамов. — Қўриб турганимиздек, хонадонлар- дан чиққан чиқиндилар ую- либ, бурқисиб тутаб ётибди.

Дарҳақиқат, Абдураззоқ ақанинг айтганича бор. Соат қўлуғи 9.30 бўлишига қа- рамай, маҳалла ҳўдудиди саққиз жойлаган ахлатхона- нинг биронтасидан ҳам ҳи- ли чиқиндилар олиб кетил- маган эди. Илгарги маҳалла

БОҒ ЯНА ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ БЎЛИШИДАН УМИДВОРМИЗ

яқинида кўркамгина исти- роҳат боғи бўлган экан. Хо- зир у қоронғисиз қолган. Қо- рамол ва кўни борлар шу ер- да мол боқибаркан.

Бизга боғдан машинага ахлат юклаётган киши ўзи- ни 5-автомобил шофёри Ал- ҳам Абдуваҳаб деб таништир- ди.

— Битта ўзингизмиз э- ки шегринингиз ҳам борми? — Узимман.

— Ҳамма ахлат уюмлари- ни бир кунда ташиб кетишга улгурасизми? — Тушганча бир, тушдан кейин бир рейс қиламан. Қолгани қолади.

Ҳа, қолгани қолади. Ҳам- ма гап ана шу қолганида- да. Кўпича ҳи қаммасин деб, уни ёқиб юборишди. Яқин атрофдаги хонадон эгалари нафас олишга қийналишди. Айниқса, кексалар на беморлар.

— Бу йилгига ҳи қийин, — дейди маҳалла кўмитаси котибаси Ҳалима Абдулас- ла. — Бечора бир ўзи ҳи қамласа, ҳам ташиса. Шу ҳайдовчи йилгига раҳмат. Унга битта шерик қўйиш- нинг иложи йўқмасдир ахир. Ука, бугунги сўрасангиз ўзимизда ҳам айб йўқ эмас.

Айрим хонадон соҳиблари- га ҳайрон қолсан, киши. Аслида улар ўзлари «йўқо- тиш»лари керак бўлган қу- ришлиш чиқиндиларини, ах- латларини ахлат майдонча- сига ташлаб кетишди. Биз ундайларни иложи борида «тутиб олиб» жарима билан жазолаймиз. Лекин шундай бўлса-да баъзилар «чап» бе- ришяпти.

Биз Оқтепа майдони ат- рофларини айланиб, кўп жойларга ахлат яшиқлари қўйилмаганлигининг гувоҳи бўлдик.

Оқтепалаги бошқа ханго- малар ҳақида «Тошкент оқ- шоми» газетасида шу йл- нинг ўзида уч-тўрт марта танқидий мақолалар босил- ган. Турли ташкилотларга аризалар, шикоятлар юбо- рилган. Лекин Шайхонтохур тумани ҳўқимлигиданга ра- гаъта ўқинмайди чоғи, ҳеч нарсани кўришмагандек, билишмагандек бемалол юришибди. Ўёки ҳаммаси жойида.

Ариқларга сув келмайди, йўллар ўқир-чўқир. Эле- ктр станциясининг кучси- злиги сабабли тез-тез чиқоқ ўчиб, хонадонлар қоронғу- да кун кўришга мажбурдир.

Агарда каналдан сув чиқа- риш учун 150 метр труба аж- ратилса, ичимлик суви бо- сими кўтарилса, электр станциянинг қуввати оши- рибли чироқлар доим пор- лаб турса, йўллар текислан- са, чиқинди ахлатларни та- шиш учун яшиқлар қўйил- май, мактабларнинг спорт майдонлари зарур инвен- тарлар билан жиҳозланса, озиқ- овқат дўконини ёнида сарта- рошхона, оёқ кийим тўзата- диган устакхона, сабзавот ва мевадар сотиладиган кичик дўконлар очилса, истироҳат боғи яна дам оладигана мас- канга айлантирилиб фойда- дан ҳоли бўлмас эди. Бу иш- ларни амалга ошириш учун эса эътибор ва ҳаракат ке- рак. Ўйлаймизки, мутасад- дилар бунга қодирлардир.

Шу ўринда 21 минг аҳо- ли истиқомат қиладиган Оқ- тепа аҳли ҳам ҳар томонла- ма шарт-шароитга эга бу- лингига ҳаққидирлар.

Биз ўшбу мақоладан сўнг туман ҳўқимлигиданга бир тўхтамага келишиб, манжуд камчиликларни бартараф этишда, деган умиддамиз.

А. АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Шуёла» савдо уйи қуввати 25, 40, 60, 75, 150, 300, 500 ватт бўлган чўгланма лампа, ЛБ-20, ЛБ-40 люминисценция лампалари, ДРЛ-250, ДРЛ-400 симобли лампаларни таклиф этади. РКУ РСН, ЛПО шамчироқлар, прожектор лампалари, кварци-галогенли, автомобиль ва бошқа лампаларга буюртма қабул қилинади.

Чирчик Ш. Ҳайдаров кўчаси, 1. Факс: (271) 54089, Тошкент ш. Пушкин кўчаси, 59, Тел: 68-68-24, факс: (3712) 38-67-25, Самарқанддаги дилер: «Отабек» АТНО, тел.: (3662) 35-56-04.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт Ўзбек тили ва ада- бийоти тахририятининг кичик муҳаррири М. Ҳошимовга воли- дай мухтарияси

Маъшура Саидрасул кизи ҲОШИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Хамар» халқаро алоқалар маркази ва Ўзбекистон Рассом- лар уюшмаси жамоалари марказининг бош директори Феруза РАҲМАТУЛЛАЕВанинг

фожиали вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзо- ларига, яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлишмаси жамоаси ил- мий котиба, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди Д. К. Мусавва- га отаси Тошкент Диний Университетининг доценти Каримжон МУСАЕВнинг

нафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлишмаси жамоаси етакчи илмий ходим, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори А. А. Қориев- га онаси

МУАЗЗАМХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика сув қўрилиш махсус монтиж трести ва трест тармоқларининг ходимлари трест бошлиғи Салижон Мўлла- биевга онаси

Саломатхон МУЛЛАБАЕВанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Респу- бликаси Давлат мулк ва ҳўсусликларнинг қў- митаси Тошкент ша- ҳар бошқармасининг 1994 йил 31 декабрда 1307-ш-р рақамли фармойишига биноан «Ўзбекнегисапоат» Давлат уюшмаси ҳў- туридаси Республика ҳўжалик ҳисобидидаги ширкат-тижорат маркази «Ўзбекнег- комцентр», Ошқ тур- даги «Бематтиж» маркази ақилли жа- миятига айлантирил- ди.

Барча ширкатлар эълон қилган кундан бошлаб бир ой давом- да қабул қилинади.

Марказий офис ва дўконларимизда
ҳамда янги очилган кўшма корхоналаримизда ишлаш учун

ХИЗМАТЧИЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ:



Умумий майдони 4500 м² бўлган, кундалик эҳтиёж молларидан тортиб электр жиҳозларигача, пойабзалдан тортиб автомашиналар учун эҳтиёт қисмларгача савдога чиқариладиган СУПЕРМАРКЕТимизда ишлаш учун:

- ☒ Ташкилотчилик ва тижорат ишларида тажрибага эга бўлган бошлиқ уринбосарлари
- ☒ Тижорат, банк ва валюта операцияларида тажрибага эга ҳисобчилар
- ☒ Булим бошлиқлари
- ☒ Омборчилар
- ☒ Озиқ-овқат ва сабзавот таъминоти бўйича тажрибали мутахассислар
- ☒ Компьютер операторлари
- ☒ Кассирлар
- ☒ Булимларнинг масъул ходимлари, сотувчилар
- ☒ Телевизорлар, музлатгичлар, кир ювиш ва идиш ювиш машиналари таъмири бўйича тажрибали усталар
- ☒ Гамбургер ва пицца тайёрлаш учун ошпазлар ва ошпазларнинг ёрдамчилари
- ☒ Официантлар (эркак ва аёллар)
- ☒ Фаррошлар



Тижорат майдони 1500 м² бўлган, ҳар турли қурилиш жиҳозлари ва мебеллар сотишга ихтисослашган СУПЕРМАРКЕТимизда ишлаш учун:

- ☒ Қурилиш муҳандислари
- ☒ Меъморлар
- ☒ Тажрибали қурувчи усталар
- ☒ Қурилиш ҳисоб-китоби бўйича малакали ҳисобчилар
- ☒ Пайвандчилар
- ☒ Электр ускуналари муҳандислари
- ☒ Сантехниклар
- ☒ Омборчилар, кассирлар ва сотувчилар



Компьютер ишлаб чиқариш бошқармаси учун:

- ☒ Программачилар
- ☒ Компьютер соловчилари



Ширкатларимизнинг бошқарув ҳайъати учун:

- ☒ Турк ва инглиз тилларини яхши биладиган раис котиби (котибаси)
- ☒ Молия ва солиқ масалалари бўйича тажрибали маслаҳатчилар



Яқинда ишга тушадиган қандолат ва ширинликлар фабрикаси учун:

- ☒ Ҳамирчи усталар
- ☒ Қандолатпазлик бўйича мутахассислар

Кўшимча маълумотлар учун ДЕМИР фирмасининг Бош офисига мурожаат қилишингиз мумкин.

Бош офиснинг манзили: 700083, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

Ўзингиз билан батафсил ёзилган таржимаи ҳол ва фотосуратингизни олиб келишингизни сўраймиз.

Соат 15.00 дан 19.00 га қадар истаган вақтингизда мурожаат этишингиз мумкин.

DM
FIRMA
DEMIR



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Мавнавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — К. Раҳимов,
Навбатчи — А. Абдурахмонов.